

## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

**Г. Маматхонова**

Наманган давлат педагогика институти мусиқа  
таълими йўналиши 2-босқич талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишни режалаштириш ва ташкил қилиш бўйича маълумот лар берилган бўлиб, талабанинг мустақил иши, ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишлашни ташкил қилиш ва уни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари берилган.

**Калит сўзлар:** Кредит, модуль, ТМИ, ЎРТМИ, курс лойихаси, коллоквиум, SWOT, Interview.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены сведения о планировании и организации самостоятельной работы студентов в кредитно-модульной системе, самостоятельной работе студента, организации и выполнении самостоятельной работы под руководством преподавателя, а также критерии оценивания.

**Ключевые слова:** Кредит, модуль, ТМИ, ОРТМИ, курсовой проект, коллоквиум, SWOT, Интервью.

### ABSTRACT

This article provides information on planning and organizing students' independent work in the credit-module system, the student's independent work, the organization and execution of independent work under the guidance of the teacher, as well as evaluation criteria.

**Keywords:** Credit, module, TMI, ORTMI, course project, colloquium, SWOT, Interview.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра мамлакатдаги ОТТларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча ОТТлар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашдан дарак беради. Масалан,

келаётган 2020-2021 ўқув йилининг ўзида мамлакатдаги 33 дан ортиқ йирик ОТТлар кредит-модуль тизимига ўтиши кутилмоқда. ОТТ ларда асосан ECTS кредит-модуль тизимининг жорий этилиши кўзда тутилган. Янги тизим даставвал 1-2 курс, кейинчалик барча курслар ўқув дастурларида жорий этилиши режалаштирилган. Шу жумладан ECTS кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш қуйидаги мезонлар асосида бажарилади.

Талабаларнинг мустақил иши (ТМИ) бу талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, у дидактик топшириқларни мустақил равишда бажаришга, ўқишга қизиқтиришга ва муайян фан соҳасида билимларни оширишга йуналтирилган. ТМИ мазмуни мантикий фикрлашни, ижодий фаолликни, ўқув материални ўзлаштиришда тадқиқотчилик ёндашувини шакллантиришга имкон берувчи амалий топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлади.

ТМИ мазмуни фаннинг хусусиятидан, олий ўқув юртининг техник имкониятларидан ва кутубхонанинг ўқув-услубий таъминланганидан келиб чиқиб аниқланади.

Одатда ТМИ талабанинг мустақил таълими (ТМТ) билап биргаликда аудиториядан ташқарида бажариладиган ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишини (ЎРТМИ) ҳам ўз ичига олади.

Куидузги таълим шаклида бакалавриятда ТМИ пинг умумий соатлари фан ҳажмиинг ярмини ташкил этади ва унинг ҳам деярли ярми ЎРТМИ га ажратилади. Сиртки таълимда ТМИ ҳажми фан ҳажмиинг 4/5 қисмиини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

ТМИни ташкил қилиш олий ўқув юртининг асосий меъёрий ҳужжатлари, жумладан ишчи ўқув дастурлари (силлабус), фан модулларини мустақил ўргаиш бўйича талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

ТМИ қуйидаги шаклларда жорий этилиши мумкин:

- талабанинг бевосита ўзи томонидан (мобил қурилмаси орқали) амалга ошириладиган мустақил иш турлари (ТМТ);
- анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши;
  - электрон шаклдаги (мобил қурилмаси орқали) ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши.

**Талабанинг мустақил таълими.** Талабанинг бевосита ўзи томонидан мобил қурилмаси орқали амалга ошириладиган мустақил иш турларига (ТМТ) қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дарсга тайёрланиш маъруза матнлари, водкастлар, видео материаллар, амапий машгулоғлар ва лаборатория ишлари баёиларини ўрганиш;

- ахборот излаш уз қизиқишларидан келиб чиқиб такдим қилинган дайжсст орқали интернет материалларини ўрганиш;
- FAQ (куп сўраладиган саволлар) ўзини қизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида жавоб излаш;
- Forum фан мавзулари бўйича телеграм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш;
- Тест ечиш ўргатувчи тест дастурларида машқ қилиш орқали фан модулига оид материалларни мустаҳкамлаш;
- Назорат ишига тайерланиш фан бўйича кутилаётган оралик ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш.

**Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши.** ЎРТМИ юкломаси ўқитувчининг юкломасига тўлалигича кирмайди, бироқ контакт машғулотлар учун ўқитувчига алоҳида юклама белгиланади (ҳисоб-чизма иши, курс иши, курс лойиҳаси, битирчи иши, магистрлик диссертацияси, илмий изланувчига раҳбарлик, таянч докторатга раҳбарлик ва ҳ.к.).

ТМИ инновацион технологияларга асосланган бўлиши керак. ЎРТМИ пинг аудиториядаги шакли берилган топшириқ доирасида талабаларнинг дарслик ва бирламчи манбалар, гуруҳли топшириқларни бажариш, яқка тартибдаги таҳлилий фаолиятларни кўзда тутати. ЎРТМИ ҳар бир фан бўйича бутун академик ўқиш даврида сана, вақти, аудиторияси ва тьюторларни кўрсатган ҳолда график бўйича ўтказилади. ЎРТМИ доирасидаги машғулотлар маслаҳат ва интерфаол шаклларда бўлиши мумкин, уларнинг нисбаги ўрганиластган фаннинг мураккаблиги, уларни ўрганишга ажратилган аудитория соатлари ҳажми, талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан аниқланади.

Яқка тартибда маслаҳат олган талаба, ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш бўйича журналга имзо қуяди. ТМИ ниш сифатини кафедра назорат қилади, бунда ТМИ нинг ҳажми, мазмуни ва ҳисобот турини тасдиқлайди, иш х.ажмини, кетма-кетлигини ва топшириш муддатларини аниқлайди, ТМИ натижалари бўйича талабалар ва ўқигувчиларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади.

Анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари (ЎРТМИ):

- масала ечиш амапий машғулот мавзуси бўйича бсрилган масалаларни ўчиш ва уни ёзма тарзда такдим қилиш;
- реферат муаммонинг ёзма басни, бунда адабий манбалар шарҳданади ёки илмий иш, китоблар таҳлилий баён қилинади;
- коллоквиум ўқув модулининг назарий қисмининг ўзлаштирилишини тскшириш мақсадида суҳбат уюштириш;

- Эссе долзарб мавзу бўйича шахсий фикриини танқид, нублицистик ва бошқа жанрларда ёзма боси қилиш;
- тақдимот берилган мавзу бўйича слайд ва видео материаллар воситасида чиқиш қилиш;
- кейс-стади ишлаб чиқаришдаги муаммоли вазиятлар бўйича белгиланган шаклдаги топшириқлар бўйича счим излаш;
- иш уйинлари - касбий фаолият жараёнларини имитация қилиш, сахналаштириш, ролларни ижро қилиш орқали касбий кўникмалар орттириш;
- глоссарий берилган мавзу бўйича атамаларни қисқа изоҳлаш.
- гуруҳ лойихаси 3-5 талабанинг ҳамкорликда лойиха ишини бажариши;
- ҳисоб-чизма ишлари одатда техник фанлар (муҳандислик графикаси, электротехника, ахбороттехнологиялари ва х.к.) бўйича амалга ошириладиган белгиланган услубий кулланмалар асосида ёзиладиган график ва ҳисоб ишлари;
- курс иши - фан ёки фанлар мажмуаси (корхоналар иктисодисти, менежмент асослари, экология ва агроф-муҳит муҳофазаси, фуқаро химояси ва х.к.) муаммолари бўйича белгиланган услубий кулланмалар асосида бажариладиган белгиланган услубий кулланмалар асосида ёзиладиган ёзма ва ҳисоб ишлари;
- курс лойихаси фан ёки фанлар мажмуаси (техник механика, технологик жарасн ва курилмалар. мутахассисликка оид лойиха ишлари бажариладиган фанлар) муаммолари бўйича белгиланган услубий кулланмалар асосида бажариладиган график чизмалар илова қилинадиган белгиланган услубий кулланмалар асосида ёзиладиган ҳисоб ишлари;
- диплом лойихаси - мутахассислик фанига оид берилган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ёки унинг бўлинмасини лойиҳалашга қаратилган, график чизмалар ва ҳисоб ишлари билан баён қилинадиган белгиланган услубий қўллаималар асосида ёзиладиган лойиҳавий иш;
- амалиёт ҳисоботи ўтказилган малакавий амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди амалиётлари) бўйича белгиланган услубий қўллаималар асосида ёзиладиган ҳисобот;
- фан тўғаракларида иштирок этиш - талабанинг фан тўғаракларида макет, слайд, намуналар каби кўргазмапи материалларини тайёрлаши;
- танловларда иштирок этиш талабанинг ўқитувчининг илмий раҳбарлиги остида турли танловларда иштирок этиши (“Ёш ихтирочи”, талабалар стартап лойиҳалари ва х.к.);
- фан олимпиадаларида қатнашиш фанлар бўйича ОТМ лар ўргасида ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этиш (кимё, умумий кимёвий технология, физика, ахборот тсхиологиялари ва х.к.);

- илмий анжуманларда маъруза қилиш фанга оид илмий тадқиқот мавзуси бўйича ОТМ, Республика ва халқаро миқёсларда ўтказиладиган илмий-техникавий анжуманларда маъруза қилиш;

- илмий тезис ва мақолалар чоп этиш илмий анжуманлариинг тўпламларида тезислар ва илмий журналларда илмий тадқиқот мавзуси бўйича мақолалар чоп қилиш;

- ўқув-услугий материаллари тайёрлашда иштирок этиш - дарслик, ўқув қўллаима, услубий қўллаима, услубий кўрсатма ва бошқа ўқув-услугий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

Электрон шаклдаги ЎРТМИ лар:

- Link и и терпег хаволасини очиб унда келтирилган видео ёки матн шаклидаги материални белгиланган ҳажмда изоҳлаш;

- Chart жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш.

- Q/A масофавий таълим платформасида ўқитувчи томоидаи берилган саволларга белгиланган ҳажмда ёзма жавоб бериш;

- SWOT - талаба бирор тушунчани чекланган ҳажмда SWOT-таҳлил қилади;

- Interview муаммони тадқиқ қилнш бўйича суҳбат уюштириш ва уни масофавий таълим платформасига юклаш;

- Дайжест берилган мавзу бўйича интернет-хаволалар тупламини келтириш, картотека тўзиш ва уларни қисқа изоҳлаш;

ЎРТМИ лари уларинг мавзулари, тошириқлари, ўтказиш шакллари, соатлар ҳажмини ҳам кўрсатган ҳолда фаннинг силлабусида фан модуллари бўйича келтирилади.

Мустақил иш турларини меъёрлаштириш. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил иш турларининг ҳажми 50-60% гача ошади, амалдаги таълим тизимида бу кўрсаткич дсярли 40% ни ташкил этади. Шу сабабли, мустақил таълимга старлича эътиборни қаратмасдан, унинг услубий турларини шакллантирмасдан кредит-модуль тизимини тўлақонли татбиқ қилиб бўлмайди.

Амалдаги таълим тизимида нисбатан оладиган бўлсак ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил иш турларини меъёрланган ва меъёрланмаган турларга ажратиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган ЎРТМИ турларидан масала ечиш, реферат ёзиш, коллоквиум, эссе, тақдимот, кейс-стади, иш уйинлари, глоссарий, гуруҳ лойиҳаси ва бошқалар учун вақт мсърлари кузда тутилмаган. Чунки, улар бўйича услубий курсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади ва маслаҳатларни аудитория машгулотларида (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) амалга ошириш мумкин.

Талабаларнинг фан тўғаракларида, танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этиши, илмий анжуманларда маъруза қилиши, илмий тезис ва мақолалар чоп этиши каби юкломаларга ҳам вақт меъёрлари кўзда тутилмаган, уларни бажариш “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “Устоз-шогирд” иш турларида кўзда тутилган.

Талабанинг мустақил ишини масофавий усулда ташкил қилиш ва на таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Масофавий таълим билим олиш иштиёқида ўқиётган талабалар учун энг макбул вариант ҳисобланади. Iiu усулда талабага турли дастур ва иловаларда ишлашни таклиф қилиш орқали уларда 21-аср кўникмаларини шакллантириш ва буни ҳатто аудиториядаги машғулотлардан ҳам юксак даражада ташкил қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда таълим тизимида тил ўрганиш ва иқтисодий билим соҳаларида қўлланилаётган кўплаб интерфаол ўқитиш усуллари оммалашган. Уларнинг кўпчилигидан техника соҳасидаги билимларни ўқитишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Талабанинг мустақил ишини масофавий тазда ташкил қилишда иложи борича унинг қурилмасига мослашиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда кўпчилик талабалар андройд тизимида ишловчи мобиль қурилмаларга эга бўлганликлари сабабли m-learning тизимига мос дастурлардан фойдаланиш талаба учун ҳар томонлама қулай ҳисобланади. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш амалда жорий қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрға махсус таълим вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон республикаси Олий таълим ташкилотларида ECTS кредит-модуль тизими: В.Ўринов, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, республика олий таълим кенгаши ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида тайёрланган. 2020 й. ISBN 978-9943-04-404-3
2. Ўзбекистон республикаси Олий таълим ташкилотларида ECTS кредит-модуль тизими: Асосий тушунча ва қоидалар В.Ўринов, М.Султонов, А.Умаров. - Т.: «Маънавият», 2020. - 96 бет.
3. Process and European Commission in 2015. Европа Кредитларни Кучириш ва Жамғариб Бориш Тизими бўйича Фойдаланувчига Қўлланма (ECTS). Бу қўлланма ECTS кредит-модуль.